

# O'ZBEKISTON

# OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA



• 2007-yil • 6-oktabr • Shanba • 124 (27.769) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

**Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 5 октябрь куни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан таъсис этилган «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» дастури ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган тантанали маросимга иқтидорли талаба-ёшлар, фан олимпиадалари, ижодий кўрик-танлов ва беллашувлар ғолиблари, нуфузли стипендиялар совриндорлари, ота-оналар, ўқитувчилар, таълим тизими мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Мамлакатимизда ёш авлодни чуқур билимли, соғлом, мустақил фикрга эга бўлган юскак маънавий фазилатлар соҳибига этиб тарбиялаш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мақсад таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётди.

Мазкур ҳужжатларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган. Бугунги кунда иқтидорли ўғил-қизларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларга таълим бериш борасида барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## ✓ **Ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод**



## ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Бунда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлар бунга яққол мисолдир. Ёшлардаги истеъдод қирраларини кашф этиш, янги излашлар сари даъват этиш, уларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, амалиётга татбиқ этишга яқиндан қўмақлаштириш ушбу ташкилотлар фаолиятида ўстувор аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ёшларида тобора катта қизиқиш уйғотаётган «Келажак овози», «Янги авлод», «Навқирон Ўзбекистон» каби кўрик-танловлар, фестиваллар, кўргазмалар, концертлар, таълим грантлари дастури бунинг ёрқин далилидир. Ушбу ижодий беллашувлар, дастурларнинг совриндорлари ўзлари танланган соҳалар бўйича фаол излашлар олиб бораётгани, нафақат мамлакатимиз, балки халқаро микёсдаги кўрик-танлов ва фестивалларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани қувонарлидир.


«Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» дастури йигит-қизларнинг билим олишга бўлган қизиқишининг янада ортиши, интеллектуал, ижодий ҳамда илмий салоҳияти юксалиши учун янги имкониятлар яратилмоқда. Утган ўқув йиллари давомида юзлаб талабалар мазкур дастур грантини олишга муваффақ бўлди. Бу йил эса улар сафига яна юз нафар истеъдодли йигит-қиз қўшилди.

Мен «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» дастурида ғолиб чиққанлардан жуда бахтиёрман, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университетининг қорақалпоқ тили филологияси факультети журналистика бўлими талабаси Гулнора Нуримбетова. — 2005 йили Таълим грантлари дастурида, 2006 йили «Келажак овози» кўрик-танловида бадиий ижод ва публицистика йўналишида ғолиб чиққан эдим. Мамлакатимизда Президентимиз Исроил Каримов раҳнамоллигида ёшларнинг пухта билим олиши, касб эгаллаши, камолоти йўлида қўрсатилаётган улкан эътибор бугунги кунда ҳар бир йигит-қизнинг ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Биз, ёшлар бундай улкан эътиборга муносиб бўлмоғимиз, унинг қадрига етмоғимиз, унга аъло ўқишимиз, излашимиз, ҳалол меҳнатимиз билан жавоб

бермоғимиз лозим. — Юртимизда қобилиятли, иқтидорли ёш борки, барчаси албатта меҳр-эътибор, рағбат топаётти, — дейди Андижон давлат университети талабаси Эркин Барбаров. — Мен «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ёшлар учун ташкил этилаётган турли ижодий-интеллектуал лойиҳалар, кўрик-танловлар, ранг-баранг фестивалларни диққат билан кузатиб бораман, ўзим ҳам уларда иштирок этман. Бундай маданий-маърифий тадбирлар биз каби бутун Ўзбекистон ёшларининг истиқболдаги юскак парвози учун пухта замин яратди. Иқтидор эгаларини эътиборга олиш йўлида қўрсатилаётган саъй-ҳаракатлар ёшларни янада фаолроқ бўлишга, уларда қатъий фуқаролик позициясининг шаклланиши, юрт таъдири учун масъулиятни астойдил ҳис этишга орталди.

Маросимда «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» дастури ғолибларига дипломлар топширилди. Санъат усталари ҳамда ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**  
**Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА)**  
олган суратлар



## ✓ **Бошланғич партия ташкилотларида**

### **ҲАР ҚАНДАЙ ҒОЯ**

**ҲАЁТДА ЎЗ АКЦИНИ ТОПГАНДАГИНА КУЧЛИ БЎЛАДИ**

— Ҳозирда пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 49 маҳалла фуқаролар йиғинидан 37 тасининг раиси ЎЗДП аъзоларидир. — Улар нафақат партиямизнинг ғояларини тарғиб этишда, балки, ҳаётга татбиқ этишда ҳам фаоллик кўрсатаётганлар. Биргина Бўрижар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маммура Маҳмудова фаолиятини олиб кўринг. У бир вақтнинг ўзида маҳалла ҳудудий партия ташкилотини ҳам бошқаради.

— Партиямиз Дастуридан келиб чиқадиган вазибалар маҳалла фаолияти тамойилларига ҳамоханг. Шунинг учун бу икки вазифани бирга олиб бориш оғирлик қилмайди, аксинча, бир-бирини тўлдирди, — дейди у. — Маҳалла-мизда 400 нафар ЎЗДП аъзоси яшайди, шундан 60 нафари бизнинг ташкилотимиз атрофида жипслашган. Қолганлари ўз иш жойларидаги БПТ ҳисобиди туради, — дейди у биз билан сўхбатда.

➔ **2-бет**

## **Қўшма** **КОРХОНАНИНГ** **СИФАТЛИ** **МАҲСУЛОТИ**

Поп туманидаги Хонобод ишчилар шаҳарчасида бир нечта ишлаб чиқариш корхонаси жойлашган. «Поп-Фен» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси шундай корхоналардан бири ҳисобланади.

Бугун ушбу корхонада 450 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ярми ёшлардан иборат.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 90 фоиздан ортиги Россия, Беларусь, Туркия ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда. Қўшма корхона «Энг яхши экспортчи» совринига сазовор бўлди ва ўз соҳасида бир неча марта намунали ишлаб чиқариш корхонаси деб эътироф этилди. «Поп-Фен» ишлаб чиқараётган маҳсулот Халқаро стандартлаштириш тизими (ISO) сифат сертификатига эга бўлди.

**И.РАЗЗОҚОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

## ! **ЎЗДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БАРЧА ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 2008 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинмоқда.

Газеталаримиз йилнинг охиригача ўз «оёғи» билан уйингизга, иш-хонангизга кириб боришини хоҳласангиз, обуна бўлишни унутманг.

**Шошилинг, вақт ўтмоқда.**



# МДХ: ДУШАНБЕ САММИТИ

**Душанбе, 5 октябрь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)** Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов Тожикистон Республикаси пойтахтида ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

МДҲга аъзо мамлакатлар бир-бирини яхши билади, сиёсий ва гуманитар ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган. Айниқса, иқтисодий соҳасида ўзаро ишончли ҳамкорлар ҳисобланади.

Ҳамдўстликнинг саммитларида биринчи навбатда МДҲни ислох қилиш масаласи муҳокама қилинди. Бу масала кун тартибидан тўшмай келаётганига сабаб мазкур тузилмани ҳозирги доирадан кенг-роқ даражага кўтариш заруратидир. У аънавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида тузилган эди. Энди эса халқаро муносабатларнинг янги асосга тамойилларига мослашиши керак.

Эндиликда унга аъзо мамлакатларнинг ҳамкорлиги уларнинг аънавий дўстлигига асослангани ҳолда, ишончли ва ўзаро манфаатли иқтисодий шерикликка ҳам таъйиқ қўйилди.

Шу билан бирга, МДҲни ислох қилиш масаласи кун тартибидан тўшмай келаётгани ва ислохот зарурати борасида барча аъзо давлатлар ҳамфикр эканлиги Ҳамдўстликнинг роли сусайиб бораётганидан эмас, аксинча, муайян тараққиёт босқичига эришишнинг зарурати билан.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, 2006 йил ноябрь ойида ўтган Минск саммитида МДҲ Ихроия қўмитасига

Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланган Давлатлараро ишчи гуруҳини ташкил этиш ва унга мазкур концепцияни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Жорий йилнинг июнида бўлган Санкт-Петербург саммитида эса мазкур концепцияни тайёрлаш жараёни кўриб чиқилди.

Душанбе саммити президентларнинг тор доирадаги учрашувидан бошланди. Унда Ҳамдўстликни ислох қилиш, унинг ижро органи фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнини жадаллаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, МДҲни ислох қилиш концепцияси ҳамда Уни ҳаётга татбиқ этишга доир асосий чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ушбу масалалар муҳокамаси давлат раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги музокара-ларида ҳам давом эттирилди. Давлатлараро ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатлар лойиҳасида Ҳамдўстликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилангани таъкидланди.

Интеграция ҳавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш масалалари билан узвий боғлиқдир. Товарлар ва хизматларнинг, сармоя ва ишчи кучининг ҳаракатини назорат қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ва махсус хизматлар билан бир қаторда божхона ва чегара хизматларининг ҳамкорлигини янада мустақамлаш зарур.

Саммитда терроризм, экстремизм ва жиноятчиликка, жиноий йўл билан ортирилган даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний айланишига қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлигини ривож-

лантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини янада ривожлантириш концепцияси ва Уни амалга оширишнинг асосий тадбирлар режаси, Жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирларнинг 2008-2010 йилларга мўлжалланган давлатлараро дастури, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларнинг наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган дастури, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларнинг терроризмга ва экстремизмнинг бошқа таъвоқкорона қўриқчиларига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган дастури, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларнинг маданий бойликларини ўғирланишига қарши кураш ва уларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар.

Саммит якуни бўйича ўтказилган матбуот анжуманида кўриб чиқилган масалалар юзасидан журналистларга ахборот берилди.

Душанбе саммити Ҳамдўстликнинг аҳамияти ортиб бораётгани ва у қамраган минтақада интеграция жараёнини мустақамлаётганини яна бир бор намоён қилди.

Душанбе шаҳрида 6 октябрь куни Евроосиё иқтисодий ҳам-жамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ҳамда Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилоти Коллектив ҳавфсизлик кенгашининг сессияси бўлиши мўлжалланган. (ЎЗА)

## 23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

### МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 5 октябрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилин-

ди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузиш.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилин-

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ Тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилисин:

**1-Қорақалпоғистон сайлов округи**  
Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг биноси, Нукус шаҳри, Унгал Татибоев кўчаси, 11-уй. Сайловчилар сони — 960,0 минг киши.

(Давоми 2-бетда)

### САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Сайловолди кампанияси бошланиши билан фуқароларнинг фаоллиги ошаётгани ҳам кузатиляпти. Табиийки, уларни сайлов жараёнига оид қўллаб-қувватлаш зарур. Партиямиз аъзолари, электрон почта, факс орқали саволлар қилиб тушмоқда. Уларнинг барчасига мутахассислар, Марказий сайлов комиссияси мутасаддилари ёрдамида жавоб қайтаришни ташкил этиш мақсадида газетамизда «Сайлов ҳақида саволингиз борми?» руқини ташкил этдик. Бутун ушбу руқни остида дастлабки саволга юридик фанлари номзоди, доцент Садриддин ХИДИРОВ жавоб беради.

«Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари чекланиши мумкинми?»  
**Шерзод БОБОЖОНОВ,**  
**Гулистон шаҳри**

— Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклаш фақат қонун талаби асосидагина амалга оширилиши мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига кўра суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига му-

вофиқ овозликдан маҳрум этиш жойларида сакланган шахслар сайловда қатнашмайди. Хурматли газетон! Сизда ҳам сайлов кампанияси, сайлов жараёнига оид саволлар туғилса, таҳририятимизга мурожаат этишингиз мумкин.

**Телефон:**  
**133-10-13, 136-55-05**  
**Факс:** 133-65-45, 133-44-55  
**Электрон почта:**  
**info@uzbekistonovozi.uz**



Инсон ва табиат

# ЯШИЛ «ФАБРИКА»ЛАР

## ЮРТИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ ХИЛҚАТЛАРИ

— Мамлакатимизда экологик вазиятни барқарорлаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш, бир сўз билан айтганда, табиатни асраб-авайлаб, яшил ўрмонзорлар барпо этиш — давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган, — деб сўз бошлади Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Аминбой Тожиёв. — Чунки ўрмонзорлар ҳавони тозалаб, тупроқдаги намлик даражасини муътадил сақлайди. Қурилиш санаяти учун ёғоч ва иккиламчи материаллар етказиб беради. Мева-чева ва доривор ўсимликларнинг макони бўлади. Бир гектарлик дарахтзор ҳаво таркибидagi 68 тонна карбонат-ангидрид газни (бошқа зарарли аралашмаларни ҳам) ўзлаштириб, бир йилда 18 миллион куб метр ҳавони тозалайди. Хусусан, бизнинг шароитимизда нима кўп, саксовул кўп. Бир туп саксовул тахминан 3-5 тоннагача қўм зарраларини тўтиб қолиши фанда исботланган... Демак, ўрмонларни яшил «фабрика»ларга — юртимизнинг ҳаётбахш хилқатларига қиёсласак янглишмаган бўламиз...

— Ана шу нуқтаи назардан ҳам — давом этади Аминбой Ҳамроевич, — бошқармаимиз ва худуддаги 11 та туманда жойлашган ўрмон хўжаликлари жамоаларининг асосий вазифаси — ўрмон фонди тасарруфидagi ерларда янги ўрмонзорлар барпо этиш, мавжудларини асраб-авайлаш, қуриқлаш ва улардан унчумли фойдаланишдир. Шунингдек, кўчатхоналарда декоратив (манзарали) ўрмонзорлар учун ўсимлик ва бутта кўчатлари етиштириш ҳам тармоқ хўжаликлари зиммасига юкланган.

**БИЗНИНГ ИЗОХ:** Бошқармага қарашли давлат ўрмон фонди майдонлари 4 миллион 367 гектар. Бунинг 884543 гектари ўрмон дарахтлари, буталар ва турли хил ўсимликлар (саксовул, турангил, йингиллик...) билан қопланган.

Декоратив дарахтлар кўчатлари етиштириш ишлари асо-

сан Тўртқўл, Беруний, Элликқалъа ўрмон хўжаликларида яхши йўлга қўйилган. Уларнинг кўчатхоналарида қайрағоч, ясенъ, туя «восточный», можжевельник, кўк терак, тут ва бошқа хил ноёб дарахт кўчатлари етиштирилмоқда. Бутасимон ўсимликлар кўчатлари (масалан, саксовул) Қораўзақ, Чимбой, Тахтақўпир, Мўйноқ ўрмон хўжаликларида парвариришланади. Сўнгги пайтларда Орол денгизининг қуриган тубларида ҳам ўрмонзорлар барпо этиш бошланди. Маданий ўрмонзорлар асосан Беруний, Тўртқўл, Элликқалъа, Қўпчоқ, Ҳўжайли ва Нукус ўрмон хўжаликларида жойлашган. Уларнинг ҳаммасида кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган, ўз ишини яхши билган ўрмончилар хизмат қилади: Мўйноқ хўжалигидан — Зинатдин Ҳолдасов, Жарилқасин Дуйсенов, Қораўзақ ўрмон хўжалигидан — Ергали Умирзақов, Ҳўжайли ўрмон хўжалигидан — Азат Матяқубов, Беруний ўрмон хўжалиги бош ўрмонбегиси Зарипбой Исмаилов, Элликқалъа ўрмон хўжалиги ўрмонбегиси Амангелди Бақоев, Тўртқўл ўрмон хўжалиги ўрмончиси Шеримбет Исмаилов, Тахтақўпир ўрмон хўжалиги тракторчиси Жалғасбай Ақимниязов...

**РАҚАМЛАР, ДАЛИЛЛАР:**

- 2007 йилнинг 8 ойлик яқунлари бўйича тизим хўжаликларида 3541 минг гектар майдонда (уруғдан ва кўчатдан) янги ўрмонзорлар барпо этилди.
- Орол денгизининг 3450 гектар қуриган тубларида фитомелиоратив ишлар олиб борилди.
- 772 гектар майдонда маданий ўрмонзорларга ишлов бериш ва парвариришlash жараёни давом этади.
- 1053 гектар майдонда ўсиши секин бўлган ўрмонзорларнинг қатор оралари тўлдирилди.
- 2304 гектар майдонда ўрмонларнинг табиий кўқариб чиқиши учун қўшимча озиклантирилди.

● 8026 килограмм декоратив тераклар ва бутали ўсимликлар уруғи тайёрланди.


— Оролбўйи минтақасида экологик аҳволни яхшилаш мақсадида, — сўхбатга қўшилиди бошлиқ ўрмонбосари Қўбайсин Шагилов, — денгиз суви қочиб, қуриб қолган жойлардан кўтариладиган чанг ва тўзонларни тўсиш, кўчма қўмлар «оқими»ни ушлаб қолиш учун муқтақиллик йиллари уруғдан ва кўчатдан 234273 гектар майдонда саксовулзор, черкисиз ва кандимзорлар барпо этилди. 35 гектар майдонда янги кўчатхоналар барпо этилди. Уларда асосан терак ва бутасимон ўсимликлар кўчатлари етиштирилиб, 947,8 тона кўчат баҳорда ўрмон хўжалиklarининг ўзларида экилди. Республикаимиз корхона ва ташкилотларига 56 миллион сўмлик 1629 минг тона терак кўчатлари сотилди. 197 минг тона кўчат эса ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар томонларига ва мактабларга, касалхоналарга бепул етказиб берилди.

Асосий кўрсаткичимиз — уруғдан ва кўчатдан ўрмонзорлар барпо этиш, кўчатхоналар ташкил қилиш, маданий ўрмонларга ишлов бериш, уруғ тайёрлаш, зарарли ҳашарот ва касалликлардан биологик ҳимоя қилиш, дарахтларни соғломлаштириш йўлида олиб бораётган ишларимиз ҳам ибратта лойиқ...

◆◆◆

Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиянининг ҳам, бошлиқ ўрмонбосарининг ҳам ҳўқояларидан маълум бўлдики, худудда юртимизнинг ҳаётбахш хилқатлари бўлган яшил «фабрика»лар — янги-янги ўрмонзор масканлар барпо этиш, мавжудларини асраш ва ҳимоялашга, пировардида, уларни сердаромад соҳага айлантиришга катта эътибор берилаяпти.

**Рейнбой ЕШИМБЕТОВ,**  
Номоз САЪДУЛЛАЕВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбирлари



### КЕНГ МИКЎСЛИ ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯ

НАТО ва Афғонистон ҳарбий қўмондонлиги «Толибон» ҳаракати жангариларига қарши 5 ойлик кенг миқёсли ҳарбий операция бошлади. «Помир» дея аталган ушбу тадбир келгуси йилнинг баҳоригача давом этади, дея баёнот берди НАТО вакили Жеймс Алпатура. Бироқ у мазкур операцияда қанча ҳарбий қатнашиши ҳақидаги маълумоти ошқор этмади. Бу ҳаракат мамлакатнинг барча худудлари бўйлаб олиб борилади.

«Associated Press» ААнинг хабар беришича, кейинги пайтларда Афғонистондаги сиёсий вазият боши берк қўчага кириб қолгани ушбу ҳарбий операция бошланганига сабаб бўлган.

Маълумки, 29 сентябрь куни мамлакат президенти Ҳамид Карзай «Толибон» ҳаракати етакчиси Мулла Умар билан учрашиш учун ҳукумат таркибидан жой ажратишга тайёрлигини ҳам баён этган эди. Аммо толибончилар бунни рад этиб, хорижий кўчлар Афғонистоннинг ички ишларига аралашганини бас қилмас ва мамлакат худудидан чиқиб кетмас экан, ҳукумат билан музокара олиб борилмаслиги ҳақида баёнот бердилар.



### ЯНГЛИШИБ БОМБА ТАШЛАДИ



Буюк Британия ҳарбий ҳаво кўчларининг «Tomado GR4» бомбардировочни самолёти учувчиси 90 дақиқалик машғулот пайтида, яъни Нортумберленд графлиги ва Шимоли-шарқий Шотландия осмонидида учаётган, янглишиб машғулот бомбасини ташлаб юборган, дея хабар беради «The Guardian» газетаси. Бироқ у қаярга

тушгани ҳозирча номаълум. Шунинг учун ҳарбийлар кимки уни топиб олса, маҳаллий полицияга хабар беришини сўраб эълон берди. Уларнинг айтишларича, машғулот бомбаси хавфсиздир. Ушбу воқеалик юзасидан ҳозир ички тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

### «ЛЕКИМА»НИНГ ЗАРАРИ

Вьетнам худудидида қутурган «Лекима» тропик тўфони мамлакат иқтисодига жиддий зарар етказди. Сув тошқинлари ва тўфонларга қарши кураш давлат штаби вакилларининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, қўрилган зарар ўн миллионлаб долларни ташкил этмоқда.

«www.pap.ru» сайтидаги хабарда ёзилишича, соатига 130 километр тезликда эсган тўфон шамоли Хатин, Куангбин ва Нчан музофотларидаги 10 мингдан ортиқ уйнинг томини учириб кетган, 30 минг гектар майдондаги қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилган. Айниқса, Хатин музофотидаги барча шили экин майдонлари умуман яроқсиз қолга келган.

Хатин ва Куангбин музофотларининг Қиан ҳамда Куангчат уездларидаги аҳоли турар-жойлари 2 метр сув остидида қолди. Ҳозир тўфон оқибатларини бартараф этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Тўфон келишини олдиндан билиб, 100 минг аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилгани бос, ўндан жабр ёрганлар сони озчилигини ташкил этди. 5 киши ҳалок бўлди, 50 киши турли даражада тан жароҳати олди.

### ОРТИҚЧА ЮК ОРТИЛГАНИ БОИС

Конго Демократик Республикасининг «Africa 1» авиакомпаниясига қарашли «Ан-26» самолёти Киншаса шаҳри аэропортидан кўтарилган ҳалокатга учради. БМТ вакилининг маълум қилишича, — дейилади «Reuters» АА хабариди, — самолётдаги барча кишилар ҳалок бўлган. Самолёт бортида 17 киши бор эди.

Аниқланган дастлабки маълумотларга кўра, ушбу юк самолёти Киншасадан парвозга кўтарилган юк оғирлиги боис аҳоли эиқ жойлашган худудга, аниқроғи, кўп қаватли уйлар устига қулаб тушган. У тўртта кўп қаватли уйни вайрона қилган. Натижада уйда бўлганларнинг бирортаси тирик қолмаган.

Умуман, Конгода бундай авиалоқатлар неғадир тез-тез содир бўлиб туради. Масалан, 26 август куни қалай рудаси юкланган «Ан-12» самолёти парвоздалик пайтида ҳалокатга учраган. 13 киши ҳаётдан кўз юмган. Аниқланганича, двигатель ишдан чиққанлиги боис самолёт қўниш майдонигача етиб бормолиган ва ерга қулаб, ёниб кетган. 7 сентябрь куни ҳам шундай ҳолат юз берган. Ег ва косметик маҳсулотлар юкланган «Ан-12» самолёти учиб-қўниш майдонидида учувчилар тўхталолмай қолган. Натижада самолёт деворга бориб урилган ва портлаб кетган. 8 киши ноубуд бўлган.



### «АЭРОЗОЛЛИ ҚАЛҚОН» ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

Россиялик олимлар қўшдан келаятган зарарли нурлардан ҳимояланиш учун фазода «аэрозолли қалқон» яратишни таклиф этишмоқда. Бу қалқон ҳароратнинг глобал иссиши билан боғлиқ муаммони бир неча йилга бартараф этиши мумкин.

Аслида «аэрозолли қалқон» лойиҳаси 1974 йили геофизик олим Михаил Будико томонидан ишлаб чиқилган. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, бундай ҳимоя катламини осмоннинг куйи тропосферасида — 10-14 километр баландида яратиш мумкин, дея хабар беради ИТАР-ТАСС Глобал иқлим ва экология институти директори, академик Юрий Израэл тақдим этган мабалага асосланиб.

БМТ қошидаги иқлимни ўрганиш бўйича экспертларнинг ҳукуматлараро ишчи гуруҳи раиси ўрмонбосари бўлиб ҳам ишлаётган Ю.Израэл бундан кунда оммавий аҳборот воситаларида чоп этилаётган иқлим глобал иссишининг ҳалокатли оқибатларга олиб келиши ҳақидаги гап-сўзлар қучур илимий асосга эга эмас, дея ҳисоблайди. Унинг айтишича, бу ўзгаришлар ҳақида ваҳима қилишга асос йўқ. Лекин, шу билан бирга сайёрамизда иқлим ўзгаришлари оз берганлигини у тан олди. Бунни инкор этиб бўлмайди.

### КОМБАЙНДА ЎРДИЛАР

Украинанинг Луганск вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари ноқонуний экилган 40 гектардан ортиқ наша майдонини топдилар. Украина телевидениесидан олинган манбаларга асосланиб, бу ҳақда «Корреспондент.нет» интернет-нашри хабар тарқатди.

Наша майдони атрофига эса қунабоқар экилганки, бу оғу майдонини «қўзлардан йироқда» сақлашга имкон туғдирган. Аммо бу чора барибир полицияни чақиртолмади. Улар «ҳўсил»ни комбайн ёрдамида ўриб йўқ қилдилар. Бу ердан чиққан «ҳўсил» 40 тоннани ташкил этди. Унинг «қўра бозор»даги нархи 10 миллион долларга тенг, дея баҳорлямоқда.

«Экин майдони» соҳиблари ҳозир терговда кўрсатмалар беришмоқда. Шунинг таъкидлаш лозими, ўтган йили 5 тонна гиёҳанд модда хомашёси фош этилиб, йўқ қилинган бўлса, бу йил сентябрь охиригача бу кўрсаткич 70 тоннани ташкил этди.

### ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида «Агрохизмат-Шиндонг» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

Замонавий хоризж технологияси билан жиҳозланган корхона бир кунда 60 тонна чигитни қайта ишлаш қуваътига эга. Бу ерда юз киши иш билан таъминланди.

— Корхонаимиз маҳсулотлари асосан ички бозорга чиқарилади, — дейди қўшма корхона директори Боймурод Абдуалимов. — Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобидан маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**  
ЎзА мухбири.

## ҲУРМАТЛИ ҲАМЮРТЛАР

# «ПАХТА» «МАНФААТ»

### СИЗЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ, МАНФААТЛАР БОЙ БЕРИЛМАЙДИГАН ҲАМДА ИШОНЧЛИ

## «МУКОФОТ» ВА «МАНФААТ»

**МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

«МУКОФОТ»га	«МАНФААТ»га
1 ойдан 3 ой муддатгача	3 ой муддатга
100 000 сўм	100 000 сўмлик
бошланғич бадал қўйинг ва олдиндан	бошланғич бадал қўйиб,
<b>25%</b>	<b>24%</b>
(йиллик)	(йиллик)
соф даромад олин!	соф даромад олин!
	Фондлар ойма-ой тўлаб борилади.

Омонатга қўйган пул маблағларингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланади.

«ПАХТА БАНК» — СИЗНИНГ ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАИНГИЗДИР!



**ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**

## Навоий кон-металлургия комбинати

«Зармитан олтин-маъдан зонаси кони негизидида кон-маъдан мажмуаси қурилиши» лойиҳаси бўйича жиҳозлар етказиб бериш юзасидан эълон қилинган

**06/07-сонли ТЕНДЕР МУДДАТИНИ УЗАЙТИРАДИ**

**1-Лот. Стандарт бутланган автомобиль самосвал — 16 комп.**

Оферталарни тендер ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — 2007 йил 15 октябрь соат 17.00 гача. Оферталарни очиб 16 октябрь куни соат 15.00 да қўйидаги манзил бўйича амалга оширилади: **Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 27-уй, НКМК бошқармаси биносидида.** Тендернинг қолган шартлари узгармайди.

Тендерда иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер ташкилотчиси — НКМК Капитал қурилиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**Навоий шаҳри, 210100, Навоий кўчаси, 27-уй. Телефон: (998 79) 22 77211, 22 77081. Факс: (998 79) 22 77586.**

Спорт

КОНСТАНТИН ЦЗЮ: «ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИГА МУХЛИСЛИК ҚИЛАМАН»

Маълумот учун:

Константин Цзю 1969 йил 19 сентябрда Россиянинг Серов шахрида туғилган. Профессионал бокснинг биринчи ярим ўрта вази (63,503 кг.) тоифасида WBC, WBA, IBF ҳамда WBO йўналишлари бўйича сояқ мутлақ жаҳон чемпиони. Айти пайтда Костя Цзю Австралиянинг Сидней шахрида истиқомат қилади. Уч нафар фарзанди бор. Костя профессионал рингда жами 33 та учрашув ўтказиб, 31 (25 тасини мударатдан олдин нокаут билан) тасида галаба қозонган, иккитасида мағлуб бўлган.



Дунёга доғруғи дoston боксчилардан бири Константин Цзю яқинда юртимизда меҳмон бўлиб, турли даражадаги тадбир ва тантаналарда қатнашди. Жумладан, Бекобод шахрида уюштирилган профессионал бокс оқшомида ҳам иштирок этди. Мазкур бокс кечаси аввалида таниқли бокс устаси Костя Цзю билан журналистлар ўртасида матбуот анжумани ўтказилди.

— Костя, агар янгилишмасан, Сиз Тошкентда охири марта бундан йигирма йилча илгари келгандингиз. — Тўғри, расман сўнгги бор 1988 йили Тошкентда Сеул олимпиадасига йўланма берувчи турнирда иштирок этгандим. Аслида эса Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман. Чунки Тошкент ва Ангрэн шахрларида қариндошларим яшагани. Адамасам, сўнгги бор 2002 йил пойтахтингда бўлгандим. Ушанда Россияга Тошкент орқали ўтишга тўғри келган. — Юртимиз ҳақидаги таассуротларингиз қандай? — Ўзбекистоннинг мени ўзига ром этакдан жихатлари талайгина. Бу ердаги урф-одатлар, халқингизнинг айниқса, меҳмондўстлигини таърифлаш-

га сўз тополмайман. Ўзбекистонга ҳозирги ташрифимнинг бош сабабларидан бири, бу йил Марказий Осиё, хусусан, ўзбек заминда корейс миллати вакиллари яшаётганига етмиш йил тўлди. Бобомнинг отаси — Иннокентий Цзю асли корейс миллатига мансуб. Демак, корейслар мен учун бегона эмас. Шу боис, мени Тошкентда ўтадиган юбилей тантанасига таклиф қилишганида бажонидил розилик билдирдим. Мамлакатингиз ҳақидаги таассуротларим эса факат ижобий. Пойтахтингиз кичика фурсат ичидан таниб бўлмайдингиз даражада ўзарибди. — Сизни профессионал бокс оламида The Thunder from Down Under деб таърифлашди. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Бу сўз эркин таржима қилинса, «австралиялик чакмоқ» деган маънони билдиради. Менимча, мухлислар профессионал рингдаги аксарият учрашуларда рақибларимни нокаутга урчатганим боис, шундай номлашган бўлса керак.

— Ҳар бир боксчининг ўз сеvimли усули ва зарбалари бўлади...

— Албатта. Лекин мен аниқ сеvimли зарбам бор, дея олмайман. Бирок менга кўпроқ ўнг қўл билан тўғридан, ён тарафдан чап қўл билан берадиган зарбаларим ёқади. Қисқа қилиб айтганда, ҳар бир боксчининг ўзига хос усуллари борки, жанг мобайнида улардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилади.

— Константин Цзю қачон ўзига хос соч турмагиндан воз кечади? — Профессионал боксдаги фаолиятимни бошлаётганимда ўзимга сўз берганман — қачон катта спорт билан хайрлашсам, ўшанда турмагимдан воз кечаман, деб. Менимча, ҳали яна бир неча жанг ўтказсам бўлади. Ўз фаолиятимни яқун-

лашга қарор қилган эса хайрия жамғармаси ташкил қиламан. Соҳ турмагим кимошди савдосида сотувга қўйилди ва ундан тушган маблагни жамғармага ҳисобига ўтказаман. Ҳозирда оғир ҳасталикка чалинган болаларга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган жамғарма фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Россиянинг турли ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари бунёд этишга ўз ҳиссамни қўшялман.

— Бугун профессионал боксда фаолият кўрсатётган Ўзбекистон спортчиларининг имконият ва маҳоратларини қандай баҳолайсиз?

— Қаердаки, хаваскорлар боксига катта эътибор берилса, ўша ерда профессионал ринг усталари кўплаб етишиб чиқади. Профессионал бокс оламида аллақачон шуҳрат топган Артур Григорян, Руслан Чагаевларнинг жаҳон чемпионлигини кўлга киритишганини мен табиий жараён деб биламан. Чунки Ўзбекистон ўзига хос бокс мактабига, тарихи, анъанаси ҳамда моҳир мураббийларга эга. Юртингизда бугун спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга ҳуқуқимизнинг томонидан кўрсатилаётган гамхўрликни эшитиб, очиги, қойил қолдим. Бу келгусида спорт юлдузлари янада кўпайишига ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон боксчилари билан муносабатларимизга келсак, Артур Григорян билан кўпдан бери танишимиз. Ҳозир ҳам баъзан телефон орқали гаплашиб тураман. Руслан Чагаев билан ҳам муносабатимиз ёмон эмас. Унинг келажаги пролоқлигига ишонман. Шу йилнинг баҳорида Екатеринбургда Костя Цзю кубоги турнирида яна бир ҳамоюртингиз билан яқиндан танишдим. Кувончбек Тайғонбоев кубок ҳамда махсус соврин соҳиб бўлди. WBO таснифига ишончи жанглр ўтказётган бу йигитни олдинда катта галабалар кутмоқда, деб ўйлайман. Қаерда бўлмасин, агар ўзбекистонлик боксчилар иштирокидаги учрашуларни кузатиб қолсам, албатта уларга мухлислик қиламан.

Эркин ХОЛБОБО ОҚҚА КЎЧИРДИ.

Ифтихор

ЁРУҒ КУНЛАР САОДАТИ

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБИ, ФИЖДУВОНЛИК 107 ЁШЛИ БАРОНО ТЕМИРОВА ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ЭЪЗОЗ ТОПДИ

Фиждуннинг кунчиқар томонида Арабхона деган қишлоқ бор. Унинг бир томони Кучи даштларига туташ, ёнтрофи эса бог-роғ бўлгани учун ҳам баҳаво, одамлари хушчақмақ, меҳмондўст. Шу боис ҳам бу ерда узок умр кўрувчилар оз эмас. Ана шулардан бири Барно Темировадир. Юз ёшдан ошган бу онахон бошидан не-не кунларни ўтказмаган дейсиз. У ҳаётнинг аччиқ-чучук синовларига дош берди, ёруғ кунлар саодатига мустақиллик туфайлигина эришди.

— Озодлик, рўшнолик кунларини кўп кутганимиз, — дейди онахон. — Ахир бир бурданон деб жон берганлар, мустақилликни кўрай деб каттагонга ураганлар оғми! Яқинларимиздан қанчаси қатагонга ўраб йўқ бўлиб кетди. Хайриятки, пешонамизга ёруғ кунлар ёзилган экан. Мана, бугунги фаровон, кувончли кунларни кўриб, менга шунча умр берган Яратганга шукрона айтаман.

Момо мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Биз шу ҳақда гап очганимизда, унинг юз-кўзига беихтиёр табассум қалди, сўнгра у шундай деди. — Нимасини айтмай, ёшим бир жойга борганида давлатимиз мени сийласа, мен қувонмай ким қувонсин! Уша кўни Султонлар ўғлим ҳовлига худсанд бўлиб кириб келди-да, мени бағрига босди, муқофот билан табриқлайман, деди. Аввалига пайкамадим, сўнг у «Президентимиз сизни «Шуҳрат» медали билан муқофотлабди, мана газетда сизнинг ҳам фамилиянгиз бор», деб қолди. Айланай сизлардан, қаригондангиз севиниб бошқача бўларкан, кўзларимга ёш келди...

Онахоннинг кувончи ичига сиймасди. Кўллари дуога очиб, шу кунларга етакзанига шукроналар айтди, халқимизга тинчлик, фаровонлик тилади. Барно момо икки ўғил, беш қизини воғга етакзган. Умр йўлдоши Икром бобо ҳам қишлоқнинг бообрў кексаларидан эди. Ҳозир буvingинг оила эъзо-

лари сони қарийб икки юзга яқин. Бир тўпланишса, ҳовлига сиймай кетишди. — Мустақиллик байрами арафасида ҳовлимиз меҳмонларга тўлиб кетди, — дейди онахоннинг тўнғич ўғли Султон Икромов. — Вилот ва туман ҳокимлиги вакиллари, партия фаоллари, қўни-қўшинлар онамизни давлатимизнинг юксак муқофоти билан қўтлашди. Ушанда юрагимизда ўзгача ғурур тўйдим. Ўзим етмишга бордим, фахрий ўқитувчиман. Шу пайгача авлодимиздан бирор киши бундай ёшда медал олган эмас. Ахир, совет замонида меҳнатдан бошқа «сийлов»ни билмасдик-да...

Сўбат асносида онахон ва унинг фарзандлари юртимизда мустақилликнинг ўтган йилларида эришилган ўзгаришларни кувонч билан тилга олдилар. Бунда Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эришган улкан муваффақиятлар муҳим аҳамият касб этишини бот-бот таъкидлашди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

Сирғали туманидаги 174-бошланғич умумтаълим мактаби пойтахтимиздаги энг намунали илм масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда 1270 ўқувчи 60 нафар малакали ўқитувчи-мураббий таълим-тарбия бериб келмоқда.

— Президентимизнинг биз, ўқитувчи ва мураббийларга йўлаган байрам табригини ўқиб, қалбим ўзгача фахр-ифтихорга тўлди, — дейди мактаб директори Муборақ Мираҳмедова. — Унда касбимизга

бўлган ҳурмат-эътибор, соҳа ходимларига эҳтиром намунаси акс этган. Шу билан бир қаторда ўзига хос масъулиятли вазибалар белгилаб беришган. Менимча, фарзандларимиз тарбияси йўлида қилинган ҳар қандай эзгу амал, албатта, бир кун келиб ўзининг самарасини беради.

Суратда: 174-бошланғич умумтаълим мактабининг фаол ўқитувчи-мураббийларидан бир гуруҳи.

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.



Ободлик — юрт фахри

ШАҲРИСАБЗ МАРКАЗИЙ БОЗОРИ

ҚАЙТА ТАЪМИРДАН СЎНГ ЯНА ИШГА ТУШДИ

«Бозоримизни нега ёпишдикан», «Энг қадимий бозор эди-да...»

Шу йил баҳор ўрталарида Шаҳрисабз марказий бозорида савдо тўхталиб, унинг кўш табақали улкан дарвозалари беркирилганда, ана шундай гап-сўзлар тарқалди. Марказий бозор қадим шаҳарнинг ўзига хос тарихий обидаси эди. «Жаҳон савдо аҳли ила обод бўлажак» дея баҳорат қилган Амир Темир бобомиз ҳам айти шу бозорни доим назоратта олганлар...

Бозор дарвозаси олдида Чорсу обидаси қад кўтариб турибди. Унг томонида Куллик, Чармгар маҳаллалари... Хунармақдлар буюмларини шу бозорда сотишган... Шаҳрисабзлик бешиксозлар маҳоратига бутун Шарк тан берган... Сўнгги йилларда атрофдаги етти-саккиз туман аҳли ҳам асл буюмлар, нознеъматлар учун шу бозорга келишган. Таъбир жоиз

бўлса, у воҳадаги тўкинлик ва нарх-наво тош-торозусига айланган.

Айниқса, истиқлол йилларида бозор қиёфаси тўлдан ўзгариб, қўриқча-қўқ қўшилди. Хусусан, қўна Кешинг 2700 йиллик муборак тўйи арафасида бу ерда иккита янги раста, ўнлаб савдо дўконлари ишга туширилди.

— Бозордаги қатор бинолар таъмирталлаб бўлиб, қуримсиз ҳолга келганди, — дейди Шаҳрисабз туман ҳрким Уктам Хидиров. — Савдо ўрилари ҳам етишмаётганди. Шу ораликда янги бозор бу масалани ечишга ёрдам берди. Марказий бозорни қайтадан таъмирлашга киришилди. Ва янгича қиёфа касб этган ажойиб маскан бунёд бўлди.

Ҳа, бугун баҳор чоғи тарқалган миш-мишлар бархам топиб, бозор дарвозалари яна очилди. Кўриниши тубдан ўзгарди, фазй кирди. Очик ва ёпиқ расталарда сотувчи ҳам,

харидор ҳам гавжум.


— Умумий майдони 1,5 гектар, — дейди «Бозорқум» — шаҳар бозори масъулияти чекланган жамаият раиси Алижон Қиёмов. — Илгари жой етишмасди. Энди икки растани қайтадан таъмирладиқ. Устини тим тарзда ёпиб, янги 400 та савдо ўрни вужудга келтирдик. Тадбиркорларимиз ҳам қараб туришмади, улар ўзларига тегишли дўконларни замонавий талаблар асосида таъмирлашди. Хуллас, қадимий бозоримизнинг янги даври, янги кўни бошланди...

— Бозорда нақд пул кўп айлангани, — дейди туман солиқ инспекцияси вакили Собиржон Бозоров. — Биргина чек сотишининг ўзидан 7 миллион сўм тушаяпти. Бошқа тушумлар ҳам салмоқли. Марказий бозорнинг қайта ишга тушуши эл-юрт тўкинлигидан ишора...

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОҚГУЛ ЧОРАК ФИНАЛДА

Пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида аёллар ўртасида ўтаётган Tashkent орен халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди. Муқофот жамғармаси 145000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мажор нуфузли мусобақада Италия, Россия, Украина, Люксембург, Хитой, Чехия, Беларусия каби йигирмага яқин давлатлар ракетка усталари голиблик учун қорғта чиқишмоқда. Тўққизинчи мартаба ўтказилаётган турнирда мамлакатимиз теннисчилари ҳам сара таркиб билан иштирок этишяптир.



нинг биринчи давра баҳсларида қутилмаганда россиялик Ольга Пучковага юқзаиб қўйди. Шунингдек, Тошкент қоргалари ёш ва умидли теннисчиларимиз

Дилёра Саиджўяева, Влада Екшибарова, Альбина Ҳабибулиналар учун ҳам тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтаб берди.

Дастлабки боксчиларда Чехия, Россия сингари давлатлар теннисчилари устидан ишончи галаба қозонган Оқгул Омонмуродова эса чорак финалга йўланма олди. Кеча ҳамоюртимиз ярим финал йўланмаси учун Паулин Парментье (Франция)га қарши қорғта чиқди.

Мусобақанинг жуфтлик учрашуларида Буюк Британия вакиласи Кати О'Брайан билан биргаликда баҳсларда қатнашаётган Оқгул Омонмуродова чорак финалда Альберта Брианти/Юлия Шруфф (Италия/Германия)лар жуфтлигини енгни. Оқгул ва Кати энди ярим финалда белоруссиялик Екатерина Дзехалевич/Анастасия Якимовалар жуфтлиги билан куч синашди.

Фолиблар номи эртага аниқ бўлади. (Ўз мухбиримиз.)

«МЕН ҲАМ ФУТБОЛЧИ БЎЛАМАН»

— дейди Қўқоннинг «Меҳнат», Тошкент вилотининг «Дўстлик» жамоаларида муваффақиятли тўп сурган моҳир ва истеъодли футболчи Ойбек Абдурахмоновнинг ўғли Ёдгорбек

Ойбек навқирон ёшида ҳаётни тарқ этган бўлса-да, унинг номи футбол иштибозлари, қариндошлари ва дўстлари хотирасида яшаб келади.



ди. Ойбек таҳсил олган 96-мактабда бўлиб ўтган мусобақанинг

финал боксичи қизинг курашлар остида ўтди. Футбол мута-

Юнус ЗИЁДОВ, Козим УЛМАСОВ олган сурат.

MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bo'smaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatda bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. 1 — 949. 7860 nusxada bosildi. 1 — Tijorat materiallari. O'za yakuni — 23.50. Topshirilgan vaqti — 00.30. 1 3 4 5 6. Sotuvda erkin narxda.